

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ АКМАЛ АТАЕВИЧ

**МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОР АСОСИДАГИ КЎП ФУНКЦИЯЛИ
ДАТЧИКНИНГ КАНАЛИ КАМБАҒАЛЛАШГАН РЕЖИМДАГИ
СЕЗГИРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Тураев Акмал Атаевич

Майдоний транзистор асосидаги кўп функцияли датчикнинг
каналли камбағаллашган режимдаги сезгирлик хусусиятлари 3

Тураев Акмал Атаевич

Особенности чувствительности многофункционального датчика
на основе полевого транзистора в режиме обеднения канала 27

Turaev Akmal Atayevich

Features of sensitivity of multifunctional sensor based on
field effect transistor in channel depletion mode 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ АКМАЛ АТАЕВИЧ

**МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОР АСОСИДАГИ КЎП ФУНКЦИЯЛИ
ДАТЧИКНИНГ КАНАЛИ КАМБАҒАЛЛАШГАН РЕЖИМДАГИ
СЕЗГИРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD/FM87 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Джураев Даврон Раҳманович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Онаркулов Каримберди Эгамбердиевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Шарибоев Носиржон Юсупжонович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz, Андижон давлат университети мажлислар зали.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

С.З. Зайнабидинов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., академик

А.О. Курбанов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

И.Н. Каримов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланган янги мақсадда ишлатишга мўлжалланган яримўтказгичли датчикларнинг функционал хусусиятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада канали ёпилган режимдаги майдоний транзисторнинг ташқи таъсирларга, жумладан, ёруғлик, ҳарорат ва босимга сезгирлик хусусиятларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда яримўтказгичли датчикларнинг фотоэлектрик ва иссиқлик параметрларини тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни жумладан, куйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: майдоний транзисторнинг ёпилиш режимида ҳарорат таъсирида юз берувчи жараёнларни ўрганиш; диод режимида уланган майдоний транзисторда фотовольтаик эффектларнинг намоён бўлиш механизмларини аниқлаш; майдоний транзисторнинг ёпилиш кучланишига босимнинг таъсирини тадқиқ қилиш; канал ёпилиши режимида майдоний транзисторни янги мақсадда ишлатиш имкониятларини аниқлаш; яримўтказгичли қайд қилгичларнинг функционал параметрларини кенгайтириш.

Ҳаракатлар стратегиясига кўра Ўзбекистон Республикасининг кейинги ривожланиши борасида илмий-тадқиқот ютуқларини рағбатлантириш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан яримўтказгичли асбобларда кечаётган физик жараёнларни амалиётга татбиқ этиш натижасида уларни янги мақсадда қўллашни жорий қилиш орқали технологик қурилмаларнинг ишлаш жараёнларини бошқаришни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқари илмий ривожланишнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи, янги илмий натижалар олишга мўлжалланган фаол тадбиркорликни, инновация ғояларини ва технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўз навбатида электротехника саноати учун технологик жараёнларни бошқаришга мўлжалланган қайд қилгичларнинг янги функцияли турларини яратиш миллий маҳсулотларни мукамаллаштириш бўйича ҳалқаро стандартларга мослигини таъминлаб, уларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, жумладан, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда илмий

тадқиқотларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертациядаги илмий натижалар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишига доир бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳароратни мониторинг қилиш учун Манчестер университетининг олимлари (АҚШ) симсиз қайд-қилгичлар ишлаб чиқди. Analog Devices ва National Semiconductor компаниялари ҳар хил турдаги ҳарорат қайдқилгичлар ишлаб чиқармоқда. Россия қишлоқ хўжалиги Агрофизика илмий текшириш институти олимлари намликни ўлчовчи датчиклар ишлаб чиқармоқда.

Ўзбек олимлари М.К.Баҳадирханов ва Б.Э.Эгамбердиевлар бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўша олдилар. Жумладан, улар нанокластерли материаллар асосида ҳарорат датчиклари олишнинг асосларини яратдилар. Лекин яримўтказгичли майдоний транзисторларни янги мақсадда қўллаш муаммолари, хусусан ҳарорат ва ёруғлик таъсири ҳамда уларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш масаласи очиқлигича қолмоқда.

Бугунги кунга қадар дунёда технологик жараёнларни бошқариш учун термо ва фоторезисторли структуралар, термопаралар кенг қўлланилувчи асбоб ҳисобланарди, лекин уларнинг тезкорлиги ҳозирги кунда ортиб бораётган талабларга тўла жавоб бермайди. Қўйилган талабларни тўла қондириш учун диод ва транзисторларнинг сезгирлиги ва тезкорлигига эришиш имконини берувчи янги структуралар ишлаб чиқиш ёки уларнинг схемага энергия тежамкор режимларда улаш ҳолатларини аниқлаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат университети илмий тадқиқотлар режаси асосида ҳамда ЁА-4-001 рақамли «Фототранзистор структуралари асосида қуёш нури оқимини қайд қилувчи датчиклар яратиш» (2016 й.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади канали ёпилиш режимида майдоний транзисторнинг ташқи таъсирларга (босим, ёруғлик ва ҳароратга) сезгирлик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

майдоний транзисторнинг канали ёпилиш режимида ёпилиш кучланишининг ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш;

диод режимида уланган майдоний транзисторда фотовольтаик эффектларнинг ўзгаришини аниқлаш;

майдоний транзисторнинг ёпилиш кучланишига босимнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

майдоний транзисторнинг ҳар хил уланиш режимларида интеграл ёритилганликка боғлиқ ҳолда ёруғликнинг характеристикаларини тадқиқ қилиш;

канал ёпилиши режимида майдоний транзисторнинг янги функционал имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти канали камбағаллашган режимдаги *p-n*-ўтишли бошқарилувчи майдоний транзистордан иборат.

Тадқиқотнинг предмети *p-n*-ўтишли майдоний транзисторга ташқи таъсир натижасида содир бўладиган физик жараёнлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида *p-n*-ўтишли структураларни ўрганишнинг вольт-ампер, вольт-фарад ва турли ишчи кучланишлардаги спектрал фотосезгирликни ўлчаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳарорат ортиши билан канал ёпилиш кучланишининг ортиш механизми аниқланган бўлиб, унга кўра ҳарорат ортиши билан хусусий заряд ташувчилар концентрациясининг ортиши ҳисобига *p-n*-ўтиш контакт потенциалларининг фарқи камайиб, каналнинг ток ўтказувчи қисмининг қалинлиги ва ёпилиш кучланишининг ортишига олиб келиши аниқланган;

канал ёпилиши режимида майдоний транзисторнинг ҳарорат сезгирлик коэффициентининг камайиши ҳарорат билан база қалинлигининг ортиши барча майдоний транзисторлар учун -150°C дан $+150^{\circ}\text{C}$ гача кенг ҳарорат диапазонида бир қонуниятга бўйсунуши тажрибада кўрсатилган;

канал ёпилиш режимида майдоний транзисторнинг фотосезгирлик механизми аниқланган бўлиб, сток-затвори ёпувчи кучланишдан исток-затвор ўтишда кучланиш тушиши пайдо бўлиб, ёруғликнинг интенсивлиги ошиши билан истокда тушаётган кучланиш (исток-затвор қаршилиги) камайиши ва стокда ҳосил бўлувчи фототок ошиб бориши аниқланган;

майдоний транзисторнинг тензосезгирлик механизми, босим таъсирида канал ўтказувчан қисмининг затвор *p-n*-ўтиши ҳажмий заряди қалинлигига нисбатан камайиши ҳисобига канал ёпилиш кучланишининг камайиши тажрибада аниқланган;

таклиф қилинган характеристик параметрли майдоний транзистор асосидаги датчикнинг кам автоматик силжиш режимида оптик сигналларни қабул қилиш модулида ишлатилиши мумкинлиги тажрибада кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

майдоний транзистор каналининг ёпилиш режимида ёпилиш кучланишини ўлчов параметри сифатида қабул қилиб, ҳароратни ўлчаш учун ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган;

майдоний транзисторни электр билан таъминловчи кучланиш орқали канал ёпилиш режимида юқори сезгир фотоқабулқилгич сифатида ишлатиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги физик жараёнларни тадқиқ қилишда умумқабул қилинган илмий ва технологик услублар, яримўтказгичли асбобларнинг характеристикаларини ва параметрларини текширишда стандарт ва кенг қўлланиладиган тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги

билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти майдоний транзисторларни янги уланиш режимлари орқали кўп функцияни бажаришдаги физик жараёнлар тўғрисида янги тасаввурларни кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти майдоний транзисторларни канали ёпилиш режимида кўп функцияли датчик хусусиятидан фойдаланиб кичик микротокларда ишловчи диагностика асбобларини яшаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *p-n*-ўтишли майдоний транзисторнинг ёпилиш режимида ташқи таъсирларга сезгирлик хусусиятларини аниқлаш асосида:

майдоний транзистор асосида кўп функцияли датчикка «Майдоний транзистор асосидаги кўп функцияли қайд қилгич» учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05120, 12.10.2015). Ишлаб чиқилган майдоний транзистор асосидаги кўп функцияли датчик электрон ўлчаш тизимларида ҳарорат, ёруғлик ва деформацияларни қайд этиш имконини берган;

майдоний транзистор асосидаги электрон схемалар ёрдамида ҳароратни бошқариш усуллари Ф2-ФА-0-83921/Ф2-ФА-Ф0383 рақамли «Ўта ўтказгичлар ва магнит материалларидаги кучли коррекцияли ўзаро таъсирлар ва уларнинг критик параметрлари» лойиҳасида майдоний транзистор канали ёпилган режимда ёпилиш кучланиши ўлчов параметри сифатида қабул қилиниб ҳароратни ўлчашда қўлланилган. (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 24 октябрдаги ФТА-02-11/941 - сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш ўта ўтказгич материалларининг ҳароратини стабил сақлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан 9 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро учун патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг аҳамияти ва долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотларнинг республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг асосий илғор йўналишлари билан боғлиқлиги аниқланган, диссертация мавзуси бўйича халқаро миқёсдаги илмий ишланишлар, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳақида умумий маълумотлар келтирилган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот объекти, предмети ва услублари кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, ишнинг апробацияси ва натижаларнинг татбиқ этилиши, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги қисқача маълумотлар келтирилган.

«Диод ва транзисторли структуралар характеристикаларига ёруғлик, иссиқлик ва деформациянинг таъсири бўйича изланишлар ҳолатининг таҳлили» деб номланган биринчи бобда резистор, диод ва транзисторли структураларнинг ҳарорат, ёруғлик ва деформацияга сезгирлик механизмлари ўрганилган. Ҳарорат, ёруғлик нури ва деформациянинг таъсирини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотлар асосида вазифалар шакллантирилган.

«Кўп функцияли датчикнинг физик-технологик хусусиятлари» номли иккинчи боб сезгир элемент сифатида майдон транзистори танланиши, унинг функционал характеристикалари сезгирлигини оширишнинг физик принциплари, майдоний транзисторлар муҳим параметрларининг ўзига хос хусусиятларини асослашга бағишланган.

Маълумки диод ва биполяр транзисторли структураларни ўзининг белгиланган вазифаси-электр сигналларини кучайтириб беришдан ташқари ҳароратни ўлчаш ёки база соҳаси параметрлари мос танланган ҳолатларида ёруғлик нурини ўлчаш ва бошқа ўлчашларда фойдаланиш мумкин. Улар орасида майдон транзисторлари уланиш режимларининг кўплиги билан ажралиб туриб, бунда уланишнинг одатдан ташқари режимларини кўллаш, одатдаги уланиш режимларида эришиб бўлмайдиган янги хоссаларга эга бўлишга имкон беради.

Кўп функцияли датчикни яратиш учун майдоний транзистор канали ёпилиш режимида ўлчаш параметри сифатида каналнинг ёпилиш кучланиши олинган. Ушбу режимда ташқи таъсир (ҳарорат, ёруғлик, босим) каналнинг ўтказиш қисми қалинлигининг затвор ҳажмий заряди орқали ўзгаришига олиб келиб, бу ўз навбатида, таъсирлашаётган омил (ҳарорат, ёруғлик, босим) билан тенглаштирилаётган ёпилиш кучланишининг мос равишда ўзгаришига олиб келади. Таклиф қилинаётган кўп функцияли датчик айнан шу принципга асосланган.

Ўлчов параметри сифатида юқори омил вольтметр билан фиксацияланадиган ёпилиш кучланиши кўлланилади. Масалан, берилган ёпилиш кучланишида $U_{омс}^1$ нинг бирламчи қийматига мос бўлиб, ҳарорат (ёришилганлик, босим) ўзгарганида каналнинг ёпилиш кучланиши $U_{омс}^2$ қийматга

эга бўлади. Таъсир этаётган омил ёпилиш кучланишининг нисбатлари фарқи майдон транзисторининг сезгирлигини ифодалайди.

Хусусан, сезгирлик коэффиценти қуйидаги ифодалардан аниқланади:
ҳарорат сезгирлиги

$$\alpha_{\text{эну}} = (U_{\text{эну}}^2 - U_{\text{эну}}^1) / (T_2 - T_1), \text{ мВ/град}; \quad (1)$$

фотосезгирлик бўлса

$$S = (U_{\text{эну}}^2 - U_{\text{эну}}^1) / (\Phi_2 - \Phi_1), \text{ мВ/люкс}; \quad (2)$$

ёки босимга сезгирлиги

$$S_p = (U_{\text{эну}}^2 - U_{\text{эну}}^1) / (P_2 - P_1), \text{ мВ/(гр/см}^2\text{)}. \quad (3)$$

Маълум кремнийли p - n -ўтишли ва p -тип каналли КП102 туридаги майдон транзисторлари $I_{\text{СИ}} = 0.18 \div 6$ мА га тенг бўлган тўйиниш тоқларига ва $S = 0.25 \div 0.7$ мА/В қийматли қияликка эга бўлиши тажрибаларда кўрсатиб берилган. Кириш тоқи 20 мкА бўлганда ёпилиш кучланиши 2.8 ÷ 10 В, кириш-чиқишнинг ишчи кучланиши 15 В гача қийматни ташкил этади. Яъни, канал қалинлигининг оптималлашмаганлиги, ёруғлик сигналларини қабул қилиш учун мослаштирилмаганлиги ҳисобига ёпилиш кучланишининг юқори (2.8 В дан юқори) қийматларига эга бўлади. Чиқиш динамик қаршилигининг нисбатан паст қиймати, каналдаги киришмаларнинг мусбат градиенти ҳисобига легирловчи киришмани диффузиялаш билан олинганлиги ва каналнинг ёпилиш кучланиши, эпитаксиал структуралардагига нисбатан 20 ÷ 30% ортиқ бўлиб, параметрлар фарқланиши технологик шароитлар билан боғлиқ.


Транзисторли структурага босимга, магнит майдонига, радиация, ёруғлик ва иссиқлик нурланишларига нисбатан юқори сезгирлик бериш учун p - n -ўтишли майдон транзистори таклиф қилинган. Бу майдон транзистори ўз ичига: остки затвор электроди бўлган биринчи турдаги паст қаршиликли тагликни, сиртида кириш ва чиқиш соҳаларининг омик контактлари олинган ва улар орасида канал жойлашган, юқори қаршиликли иккинчи турдаги эпитаксил қатламни ўз ичига олган. Канал қалинлиги p^+ - n -ўтиш сийраклашган ҳажмий заряд қалинлигига яқин қилиб танланади.

Канал қалинлигини берилган канал ток ташувчилари концентрациясига ва затворнинг p^+ - n -ўтиши сийраклашган ҳажмий заряди қалинлиги билан таклиф қилинаётган ўзаро боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда танлаш, каналнинг оптимал қалинлиги қийматини ва унинг иссиқлик, ёруғлик нурланиши билан модуляция қилинадиган ва қалинлиги билан таққосланадиган камбағаллашмаган қисмининг оптимал қийматини беради ва канал ташувчиларининг танланган концентрацияси учун максимал сезгирликни таъминлайди.

Деформацияга ва магнит майдонига нисбатан юқори сезгирликни таъминлаш учун намуна қалинлигининг W узунлиги L га нисбатининг оптимал қиймати $1.25 < W/L < 1.5$ оралиғида, жумладан, канал қалинлиги 1 ÷ 2 мкм, кенлиги 40 мкм, узунлиги эса 100 ÷ 200 мкм бўлиши лозим.

Таклиф этилаётган кўп функцияли қайд қилгич кремний асосида тайёрланган. Бунинг учун p^+ -турдаги ўтказувчанликли 200 мкм қалинликдаги

тагликда ташувчилар концентрацияси $1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-3}$ бўлган кремнийли тагликда n -тип ўтказувчанликли, ташувчилар концентрацияси $2 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-3}$, қалинлиги $1 \div 1.5 \text{ мкм}$ бўлган эпитаксиал қатлам ўстирилган (1-расм).




1-расм. Текширилаётган p - n -ўтишли майдоний транзисторнинг геометрияси


Текширилаётган майдон транзисторининг асосий параметрлари деб қуйидагилар ҳисобланади: канал (сток)нинг динамик қаршилиги, ёпилиш режимидаги сток токи, ёпилиш кучланиши, тешилиш кучланиши. Майдон транзисторининг статистик характеристикаларини тадқиқ этиш умумий исток схемасида амалга оширилди. Ишчи кучланиш сток ва исток орасига, ёпилиш кучланиши эса исток-затвор ўтишига қўйилади. Ёпилиш кучланишининг ортиши орқали чиқиш сток то-

ки тўйиниш режимига эришади. 2-расмда келтирилганидек, ток ва исток орасида кучланишни қўйишда сток токи ошиб, тўйинганлик характерига эга бўлади. Затворда нол силжишда сток токи максимал қийматга эга бўлади ва затворнинг ёпилиш кучланишининг ошиши билан канал ҳажмий заряд билан қопланиб, каналнинг қопланмаган қисмини кичрайтиради. Ёпилиш кучланганлигида сток токи минимал бўлиб қолади.

Майдон транзистори отсечкасининг 0.6 В кучланиши ва сток токининг 580 мкА да (2-расм) ноль силжишида динамик қаршилик 164 кОм ни ташкил қилиб, ёпувчи кучланишни 0.4 В гача оширганда, унинг катталиги 625 кОм гача ортади.



2-расм. Майдон транзисторининг ўтказувчан ва стокли вольтампер характеристикалари



3-расм. Майдон транзистори затвори ўтишининг тўғри тармоғи вольтампер характеристикаси

Сток токининг ёпувчи кучланишга боғлиқлиги ташувчи характеристикасини шакллантиради (2-расм, чап квадрант), бунда унинг оғанлиги кескинлиги акс этади.

$$S = \frac{I_{2cu} - I_{1cu}}{U_{2zu} - U_{1zu}} = \frac{\Delta I_{cu}}{\Delta U_{zu}} \quad (4)$$

Чикувчи динамик қаршилик сток характеристикаси қиялигидан аниқланади:

$$R_{дин}^{cu} = \frac{U_{2cu} - U_{1cu}}{I_{2cu} - I_{1cu}} = \frac{\Delta U_{cu}}{\Delta I_{cu}} \quad (5)$$

Затвор-исток ўтиши характеристикаси, яъни, *p-n*-ўтиш яримўтказгич диод характеристикасига ўхшайди (3-расм). Бунда тўғри токнинг затвор кучланишига боғлиқлиги экспоненциал характерга эга. 0.5 В кучланиш соҳасида ток минимал ва сўнг 0.65 В кучланишдан ортганда ток чизикли ошади.

Каналнинг динамик қаршилиги майдон транзисторининг кучайтирувчи хоссаларини ва чекловчи режимда токнинг барқарорлаштирувчи даражасини ифодалаб, кучланишнинг тенглашувчиси ва сток токининг тенглашиши нисбатини ифодалайди:

$$r_{дин} = \left. \frac{\Delta U_{cu}}{\Delta I_{cu}} \right|_{U_{zu} = const} \quad (6)$$

Чиқиш қаршилигининг ортиши ҳисобига ёпувчи кучланишнинг ортиши натижасида унинг кучайиш коэффиценти ортиб бориши куйида кўрсатилади. Мос равишда динамик қаршилик қанча юқори бўлса, сигнал даражаси шунча юқори бўлади, чунки кучайтирувчи схеманинг чиқиш қаршилиги нагрузка қаршилиги R_H ва стокнинг динамик қаршилиги R_D билан аниқланади, параллел уланган каби:

$$R_{чик} = \frac{R_D R_H}{R_D + R_H} \quad (7)$$

Кучланиш бўйича кучайтириш коэффиценти куйидагига тенг бўлади:

$$K_H = \frac{S_{МАКС} \cdot R_D \cdot R_H}{R_D + R_H} = \frac{\mu \cdot R_H}{R_D + R_H} \quad (8)$$

бу ерда μ -кучланиш бўйича транзисторнинг хусусий кучайтириш коэффиценти.

$$\mu = S_{МАКС} \cdot R_D \quad (9)$$

Одатда транзисторнинг хусусий кучайтириш коэффиценти статистик вольтампер характеристикалари асосида нагрузка қаршилиги ёки чиқиш қаршилигига статистик қияликнинг кўпайтмаси сифатида ҳисобланади. Ёпилиш кучланиши *p-n*-ўтишининг контактлар потенциали фарқига яқин, яъни 0.5÷1.0 В чегарасида бўлиши керак.

Затворнинг *p-n*-ўтиши диоднинг анъанавий ўтишидан фарқи шундаки, улар кичикроқ дифференциал қаршиликка эга ва кучланишнинг камайиб кетишига база қаршилиги таъсири инобатга олинмайди. Айнан шуларни инобатга олиб қайд қилгичлар сифатида диффузион эмас, балки эпитаксиал структуралар танланган. Затвор *p-n*-ўтишининг ҳажмли заряд қалинлиги со-

ҳасининг ташувчилар концентрациясига боғлиқлигидан юқори сезгирликни таъминловчи канал қалинлигининг оптимал қийматлари аниқланган.

Ёпилиш кучланиши 0.6 В ва сток токи 580 мкА бўлган бир майдон транзистори (2-расм) ёпилиш кучланиши қиймати $U_{enu} = 2U_D$ ни экспериментал ҳисоблашлар асосида (1-жадвал) ноль силжишда потенциаллар контакт фарқи 0.61 В бўлган ҳажмий заряд қалинлиги 0,65 мкм га тенг бўлади.

1-жадвал

Тескари кучланишга нисбатан ҳажмий заряд қаватининг қалинлиги

$U_{тес}, В$	0	0,1	0,2	0,4	0,6	0,8	1	1,3	1,6
$W_{хсз}, мкм$	0,65	0,70	0,74	0,83	0,90	0,97	1,04	1,13	1,22

Унда ёпилиш кучланиши 0.61 В х2 =1.22 В ёки канални ёпувчи тескари қаршилиқ $U_{тес}=0.6 В$ да $W_{хсз} = 0.90 мкм$ қалинликка эга бўлади. Яъни, кучланиш икки карра оширилганда ҳажмий заряд соҳаси $\sqrt{2}$ карра ортади, бу эса каналнинг оптимал қалинлигига мос келади. Берилган майдон транзисторининг канал ёпилиши кучланиши (0.6В) амалда потенциаллар контакт фарқи билан мос келади, бу эса ташқи таъсир сабабли канал қалинлигининг ўзгаришини таъминлайди.


Учинчи боб «**Ҳарорат таъсирида майдон транзисторининг электрофизик параметрлари**» деб номланган ва унда майдон транзисторининг диодли уланиш режимида ҳарорат хоссаларини, ёпилиш кучланишининг ҳароратга боғлиқлиги тадқиқотлари, икки кутбли режимда биполяр транзистор структурасининг ҳароратга сезгирлиги кўрилган.

Майдон транзистори ўтишларнинг ёпилиш режимида ишлашига қармасдан алоҳида олинган ўтишнинг затвор-исток киритиш характеристикаси диод *p-n*-ўтиш характеристикаси билан мос келади. Бунда каналнинг ёпилиш режимида тескари уланган диодга айланади. Шу сабабли майдон транзисторини база ёрдамида ҳажмли зарядни кесувчи диод сифатида қараш мумкин, бу эса ҳозиргача кам ўрганилган бўлиб, асосан, фотоқабулқилгич, ҳарорат қайд қилгичлари янги мақсадларда қўлланилиши мумкин.

Затвор-исток ўтишининг вольтампер характеристикалари тадқиқотлари шуни кўрсатадики, улар тўғри йўналишда кичик тоқлар давомийлиги 0.55 В гача ва сўнг токнинг нисбатан кескин ошиши билан фарқ қилади. Тескари йўналишда токнинг ошиш соҳаси тор диапазон 1.0 В гача бўлиб, сўнг кичик тоқлар 2 нА билан тўйинишга ўтади. Бу тўғри силжиш режимида ишлашга шароит яратади. Тўғри силжиш режимида ҳароратнинг оширилиши вольтампер характеристикаларининг кичик кучланишлар соҳасига силжиши таъминлайди. Майдон транзисторидаги чекловчи ҳосил қилувчи чекланган берилган токда, масалан 10 мкА да, ҳарорат коэффициенти камаювчи кучланиш ва ҳарорат ўзгаришлари нисбати билан ифодаланади:

$$\alpha = \frac{U_2 - U_1}{T_2 - T_1} = \frac{\Delta U}{\Delta T}. \quad (10)$$

Ўлчанган $-90 \div +60$ градус цельсий ҳарорат интервалида кучланишнинг пасайиши 0.85 В дан 0.51 В гача бўлиб, 150 градус ҳарорат фарқида тегишли равишда ҳарорат кучланиш коэффиценти 0.0023 В ни ташкил этади, яъни 2.3 мВ/град, бу эса диод структураларга нисбатан икки ва ундан ортиқ марта каттадир. 4-расмдан кўринадик, 15 мкАдан 20 мкА гача ток интервалида берилган температура коэффиценти қийматлари ўзгармайди.




- 1- $I_{\text{тыг}}=5 \text{ мкА}$, $U_{\text{тыг}}=0,439 \text{ В}$, $\tau=2,33 \text{ мВ}/^\circ\text{С}$
- 2- $I_{\text{тыг}}=10 \text{ мкА}$, $U_{\text{тыг}}=0,467 \text{ В}$, $\tau=1,86 \text{ мВ}/^\circ\text{С}$
- 3- $I_{\text{тыг}}=15 \text{ мкА}$, $U_{\text{тыг}}=0,485 \text{ В}$, $\tau=1,76 \text{ мВ}/^\circ\text{С}$;
- 4- $I_{\text{тыг}}=20 \text{ мкА}$, $U_{\text{тыг}}=0,499 \text{ В}$, $\tau=1,76 \text{ мВ}/^\circ\text{С}$.

4-расм. Турли ишчи тоқларда кучланиш камайишининг ҳароратга боғлиқлиги


ҳарорат сезгирлиги аниқланади. Олинган тўғри силжиш кучланиши ҳарорат сезгирлиги қийматлари, диод структураларда олинган натижалардан қолишмайди, майдон транзисторининг миниатюр конструкцияси эса уни тор зазорли турли ускуна ва асбобларда қўллашга имкон беради. Яримўтказгич диодлар ва дискрет биполяр транзисторлар асосида энг юқори ҳарорат коэффиценти кўрсаткичлари $2.3 \div 2.6 \text{ мВ}/^\circ\text{С}$ ни ташкил этади. Аммо майдон транзистори ва уларнинг ҳарорат коэффицентларини бошқариш параметрлари механизмларига бағишлаган тадқиқотлар ҳақида маълумот мавжуд эмас. Шу билан бирга майдон транзисторларини янги мақсадларда ноанъанавий улаш режимларида қўлланилиш имкониятлари оз ўраганилганлигича қолмоқда. Термосезгирлик параметри сифатида затвористок ўтишда тушадиган тўғри силжиш катталигининг ўзгариши қабул қилинган (6-расмдаги схемада кўрсатилган).

Ишчи тоқнинг 5 мкАдан 20 мкА гача ошиш чегарасида ҳарорат коэффиценти сезгирлиги 2.33 мВ/°Сдан 1.76 мВ/°С гача пасаяди. Бундай тенденция тўғри дифференциал қаршилиқнинг ҳароратга боғлиқлиги билан тушунтирилади. Тадқиқ этилган майдон транзисторини ҳарорат қайд қилгичи сифатида қўлланилиши учун оптимал ток сифатида $5 \div 10 \text{ мкА}$ ток интервали ҳисобланади (5-расм). Шу сабабли тўғри токни чеклаш режимидаги *p-n*-ўтишли майдон транзисторида ток ҳосил бўлиш жараёнлари ва маълум даражада ташувчиларнинг инжекция даражаси билан




5-расм. Майдон транзистори затвор-канали *p-n*-ўтишининг тўғри тармоғи вольтампер характеристикаси

Ишчи кучланишнинг катталиги R_1 резистори билан, ток эса R_2 резистори билан тўғрилагич токи ўтиши чекланади. Майдон транзисторининг диод ва биполяр транзистор структураларидан фарқи шундаки, базавий соҳа (канал) қалинлиги фиксацияланган қийматга эга бўлиб, затвор соҳасида ташувчилар концентрацияси ($1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-3}$) икки-уч марта канал соҳасига нисба-



6-расм. Затвор-исток ўтишнинг термосезгирлик параметрини ўлчаш схемаси

тан ($2 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-3}$) юқоридир, бу эса p - n -ўтишнинг кескинлигини кафолатлайди.



7-расм. Диодли-уланган майдон транзисторининг тўғри тушаётган кучланишининг ҳароратга боғлиқлиги

7-расмда R_2 қаршилик-токни чекловчидан диодни таъминловчининг турли кучланишларида тушаётган кучланишга боғлиқлиги келтирилган. Эгри чизик 1 ёпилиш кучланиши 1.2 В ва таъминловчи кучланиш 4.9 В да, 2-эгри чизик эса таъминловчи кучланиши 2.3 В бўлган намунада олинган. 7-расмдан кўринадики, таъминловчи кучланишини камайтирганда ҳарорат сезгирлиги ҳам пасаяди. Бунда тушаётган кучланиш катталиги ёпилиш кучланиши кичик бўлган намунада катта бўлади (1-эгри чизик).

Ҳарорат коэффицентларининг фарқ қилишини затворнинг p - n -ўтишидан ток ўтказиш механизми асосида изоҳловчи тенглик билан тушунтириш мумкин:

$$I_{\text{мыг}}^{\text{const}} = I_{\text{нас}} (\exp(qU_{p-n} / nkT) - 1) \quad (11)$$

Структурада токнинг ўзгаришсиз сақланиши тушаётган кучланишнинг ҳароратга боғлиқлигига олиб келади. Тегишлича (12) формулага асосан тўғри

$$nkT = \frac{qU_{p-n}}{\ln\left(\frac{I_{\text{мыг}}^{\text{const}}}{I_{\text{нас}}} + 1\right)} \quad (12)$$

токнинг p - n -ўтишда силжиш кучланиши катталигининг ўзгаришидан вужудга келадиган тескари токка нисбатининг ўзгариши ҳарорат коэффицентларининг фарқланишига олиб келади (7-расм, 1- ва 2-эгри чизиқлар).

$$\alpha = (U_{myz}^{T_2} - U_{myz}^{T_1}) / (T_2 - T_1) \quad (13)$$

Хусусан, силжиш кучланишининг пасайишида α ҳарорат коэффиценти 2.5 мВ/°С дан 1.72 мВ/°С гача камаяди. Бунда тўғри ток чекланган ва мос қийматга $I_{myz}^{const} = I_{чез}$ эга бўлганлиги сабабли p - n -ўтишда тушаётган кучланиш U_{p-n} диодли уланган майдон транзисторининг ҳароратига пропорционал ўзгаради.

Катталиги жиҳатидан берилаётган кучланиш (мусбат) p - n -ўтишли затвор U_d нинг диффузион потенциали (манфий қиймат)га тенг бўлган берилган ҳарорат билан аниқланади:

$$U_d = -\frac{kT}{q} \ln \frac{N_{кан} N_{зам}}{n_i^2} \quad (14)$$

ҳароратнинг ошиши билан хусусий ташувчилар концентрацияси n_i нинг ошиши билан камаяди. Майдон транзисторининг диоддан фарқи унинг базавий соҳаси-канал қалинлигининг фиксацияланганлигида бўлиб, бунда ёпилиш режимида базавий соҳанинг ҳажмий заряд қавати билан эгалланишига олиб келади. Яъни, тўғри силжиш режимида ҳам база соҳасида ташувчилар рекомбинациясига боғлиқ жараёнлар кузатилади. Оддий диодда база қалинлиги чекланмаган ва p - n -ўтишга нисбатан кетма-кет қаршиликка эга бўлади, бу эса рекомбинацион тоқларнинг ўзгариши натижасида кўшимча кучланиш пасайганда потенциаллар контакт фарқига нисбатан структуранинг сезгирлигини пасайтиради.


Тўғри токнинг p - n -ўтиш орқали чекланганлиги сабабли (I_{myz}^{const}), ҳароратнинг ошиши тушаётган кучланишнинг камайишига олиб келади. Бунда тўғри токнинг тўйиниш токига нисбатининг ўзгариши ҳарорат коэффиценти бошқариладиган ўзгаришини таъминлайди (13-формулага қаранг). Бунда намуналар тўпламидан ҳарорат коэффицентларини идентификациялаш имконияти пайдо бўлади.

Шу сабабли тўғри токни чеклаш режимидаги p - n -ўтишли майдон транзистори ток ўтказиш механизмига асосан ҳарорат сезгирлигига эга бўлиб, уни ташувчилар инжекцияси даражаси билан бошқариш мумкин. Олинган тўғри тушаётган кучланишнинг ҳарорат сезгирлиги қийматлари (2.5 мВ/°С) диод ва транзистор структуралардаги қийматларидан қолишмайди.

Ёпилиш кучланиши ҳарорат коэффиценти билан тушаётган кучланиш ҳарорат коэффиценти солиштириш шуни кўрсатдики, иккала ҳолатда ҳам улар ёпилиш кучланиши катталигига боғлиқ. Тўғри силжиш режимида ҳарорат коэффиценти тўғри токнинг тескари токка нисбати билан аниқланади, яъни катталикни бошқариш мумкин. Бунда ёпилиш кучланиши

кичик бўлган намуналарда тушаётган кучланиш катта қийматга эга бўлиб, бу ўлчовнинг аниқлигини оширади. Хулоса қилиб айтганда, майдон транзисторининг ҳарорат коэффиценти база соҳаси қалинлиги билан пропорционал бўлиб, улар физикавий бошқарилади.

8-расмда исток-затвор ўтишида кучланишнинг тушишини ўлчаш учун майдон транзисторининг электрик схемаси уланиши келтирилган. Биринчи вольтметрга уланган блок манбасидан ишчи кучланиш микроамперметрдан сток-затвор ўтишига берилади.




8-расм. Сток-затвор кучланиши билан канал ёпилиш режимида исток-затвор ўтишида кучланишнинг тушишини ўлчаш схемаси


Исток-затвор ўтишида кучланишнинг тушишини схема асосида тадқиқ этилганда ҳароратнинг ошиши (9-расм) ёпилиш кучланишининг ҳарорат коэффиценти (мВ/°С) нинг ошишига олиб келади.

$$\alpha_{enu} = (U_{enu}^2 - U_{enu}^1) / (T_2 - T_1) \quad (15)$$

Олинган ҳарорат коэффиценти қийматлари (2.3 мВ/град) (10-расм) ишлаб чиқарилган диод структуралардан икки марта каттадир.



9-расм. Сток-затвор кучланишнинг затвор-исток кучланишига боғлиқлиги 1-20 °С, 2-40, 3-50, 4-60, 5-70, 6-80 °С.



10-расм. Турли технологик параметрли майдон транзисторлари канал ёпилиш кучланишининг ҳароратга боғлиқлиги

Ҳарорат билан канал ёпилиш кучланишининг ортишини p - n -ўтиш потенциалининг контакт фарқининг камайиши билан тушунтириш мумкин, бунда ҳарорат ошганда хусусий ташувчилар концентрацияси ошади.

$$U_D = -\frac{kT}{q} \ln \frac{N_{кан} N_{зам}}{n_i^2} \quad (16)$$

Натижада $U_{зи} = 0$ учун ҳажмли заряд соҳасининг бошланғич қалинлиги кичраяди:

$$W_{ооз} = \sqrt{\frac{2\epsilon_0 U_d (N_{кан} + N_{зам})}{q \cdot N_{кан} \cdot N_{зам}}} \quad (17)$$

p-n-ўтишнинг сигими катталашади:

$$C_{p-n} = \frac{\epsilon_0 A}{W_{хсз}} \quad (18)$$

бу каналнинг ўтказиш қисми қалинлигининг катталашувиغا олиб келади:

$$\Delta d = a - W_{хсз} \quad (19)$$

Шунинг учун канал отсечкасига каттароқ ёпувчи кучланиш $U_{мес}$ керак бўлади.

$$U_{ёни} = \frac{N_{кан} q a^2}{2\epsilon_0} \left(1 + \frac{N_{кан}}{N_{зам}} \right) = U_{мес} + U_D \quad (20)$$

Берилган режимдаги тадқиқ этилган майдон транзистори диод структуралардан қолишмайдиган ҳарорат сезгирлигига эга бўлиб, амалда энергия сарфламаслиги билан устунликка эгадир. Бунда ёпилиш кучланиши коэффициенти

$$\alpha_{мес} = (U_{мес}^2 - U_{мес}^1) / (T_2 - T_1) \quad (21)$$

2.2 мВ/градусни ташкил этиб, тўғри токни чеклаш режимидаги диод структураларда кузатиладиган қийматлар даражасини ~ 10 мА ташкил этади.

Германий асосида биполяр транзистор структураларнинг ҳарорат сезгирлиги вольтампер характеристикаларини ҳарорат датчиги сифатида қўлланилиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши шуни кўрсатдики, тўғри силжиш режимида база-коллектор ўтишида ҳароратнинг ошиши билан текис тармоқ кичик кучланишлар соҳасига параллел силжийди, аммо қиялашади (11-расм), бу эса кескин ўзгарувчан ҳароратни регистрациялашда қўллашни чегаралайди.

11-расмда келтирилган берилган ҳарорат интервали асосида олинган маълумотларни ҳарорат коэффициенти қийматларини ҳисоблаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Коллектор-база ўтишида ҳарорат коэффициентининг ток маълумотлари

Ҳарорат интервали, °С	20÷30	30÷40	40÷50	50÷60
α_1 , мкА/град	1.2	1.9	2.3	2.7


Жадвалдан кўринадикки, ҳарорат 20 дан 60 °С га кўтарилганида, ёпилиш ўтишининг ток ҳарорат коэффициенти 1.2 мкА/град дан 2.7 мкА/град гача ошади. Тегишли равишда алоҳида олинган ёпилиш режимида база-коллектор

ўтишга нисбатан (11-расм) икки қутбли улаш режимида олинган коллекторли ўтиш ёпилиш режими ишчи кучланиш билан бошқариладиган ҳарорат сезгирлигини олиш имконини беради (12-расм).


Тадқиқ этилган транзисторда берилган фиксацияланган ток учун ҳарорат коэффиценти кучланиши

$$\alpha_U = \frac{U_1 - U_2}{\Delta T} \quad (22)$$

диод структурадагидек 2 мВ/град эканлигини кузатиш мумкин. Бу режимда фиксацияланган ишчи токни 7 мА дан каттароқ олиш керак бўлади, бунда база-коллектор ўтишида кучланиш тушиши ҳарорат сезгирлиги ўзагармас қийматга эга бўлади.



11-расм. Текис силжиш режимида коллектор-база ўтишининг турли ҳароратларда (киритма) ва эмиттер ўтишни ёпишда эркин базали икки қутбли режим (+)р-п-р⁻(-) да токнинг кучланишга боғлиқлиги



1-20 °С, 2-30 °С, 3-40 °С.
4-50 °С, 5-60 °С.
12-расм. Турли ҳароратларда коллектор-база ўтишининг ёпилиш режимида токнинг кучланишга боғлиқлиги

Хусусан, бундай тоқларда ҳароратнинг ошиши билан кучланишнинг камайиши чизиқли бўлади, бу эса унинг ҳароратни ўлчаш параметри сифатида қўлланилишини тасдиқлайди.


Коллектор-база р-п-ўтишнинг ёпилиш режимида берилган ҳароратда кучланишининг ошиши билан ток ўзгармайди (12-расм), ҳароратнинг ошиши билан эса токнинг ҳарорат коэффиценти ошиши ток қийматини чизиқли равишда катталаштиради:

$$\alpha_I = \frac{I_2 - I_1}{\Delta T} \quad (23)$$

Демак, коллекторнинг тескари токини ҳам ўлчов параметри сифатида ишлатиш мумкин.

13-расмда (-)р-п-р⁺(+)- структура ишчи токининг ортишини токнинг ўтказиш коэффиценти коллектор-эмиттер кучланишига боғлиқлиги ва ҳарорат ортиши билан катталашини орқали тушунтириш мумкин, бу эса

ташувчиларнинг коллекторли ўтишида генерацияланадиган миқдори ошиши билан изоҳланади.



1–30 °C, 2–50 °C.

13-расм. Икки қутбли улаш режимида (-)р-п-р⁺ (+) сузувчи (эркин) базали коллекторли ўтишнинг ёпилишида токнинг кучланишга боғлиқлиги


Бунда эмиттерли ўтишнинг қаршилиги ҳароратнинг таъсирига, коллекторли ўтишнинг қаршилиги эса ёпилиш кучланишига сезгирроқ бўлади. Шунинг учун (-)р-п-р⁺(+)-структурали транзистор икки қутбли режимда уланишида алоҳида олинган диоддан юқори ҳарорат сезгирликка ва кичик ишчи токка эга бўлади. Бундай датчиклар авиация, автомобиль ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланилиши жиҳатидан аҳамиятга эга.

Тўртинчи боб «**Майдон транзисторининг ёруғлик нурланиши ва босимга сезгирлиги хусусиятлари**» деб номланиб, унда майдон транзисторининг фотоэлектрик характеристикаларига интеграл ёритилганликнинг таъсири ва деформациянинг хусусиятлари ҳамда улар асосида амалий схемалар келтирилган.


Тадқиқ этилган транзисторда канал соҳасининг ёритилганлиги затворканал ўтиши жиҳатидан фотодиодга ва р-п-ўтиш бошқариладиган кучайтиргич майдон тразисторига эквивалент, яъни майдон транзисторини диодли улашда қўллаш мумкин.

14-расмда қисқа туташув токининг ёритилганлик интенсивлигига боғлиқлиги келтирилган. Расмдан кўринадики, қисқа туташув токи икки барьерли Шоттки фотодиод структуралардан фарқли равишда пасайиш ўрнига, чизиқли равишда 600 лк ёритилганликкача ошади, сўнг ночизиқли ошиши кузатилади.

